



## ОБИДЖОН МАҲМУДОВ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ, ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Комила Воҳидова Абдуллозизовна

Тарих фанлари номзоди, доцент.

Наманган Давлат университети докторанти (DSc)

<https://orcid.org/0009-0009-5400-6532>.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10807136>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> March 2024

Accepted: 11<sup>th</sup> March 2024

Online: 12<sup>th</sup> March 2024

### KEYWORDS

Туркистон, Фарғона водийси, Жадидчилик, Обиджон Маҳмудов, зулмат, жаҳолат, саводсизлик, “Садойи Фарғона” маориф, мактаб, маърифат, китоб, “усули савтия”, янгилашиш, илм-фан, тараққиёт.

### ABSTRACT

*XIX аср охири, XX аср бошларида Россия мустамлакаси ҳисобланган Польша, Қрим каби Туркистон ижтимоий ҳаётида ҳам янгилашиш, ривожланиш ва тараққиётга эришиш мақсадида юзага келган ҳаракат Туркистон тарихида жадидчилик ҳаракати сифатида ном олади. Мақолада ушбу ҳаракатнинг машҳур намояндаларидан бири, нафақат Фарғона водийсида, балки Туркистонда ҳам кўзга кўринган миллий зиёлилардан бири бўлган, жадид мутафаккири Обиджон Маҳмудовнинг ҳаёт йўли ва XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистон ижтимоий ҳаётида юзага келган муаммоларга нисбатан янгича қарашлари, олиб борган фаолияти, нашриёти ҳамда, унинг томонидан нашр этилган “Садойи Фарғона” газетасига оид маълумотлар тадқиқ этилади.*

XIX аср охири - XX аср бошларида Россиянинг мустамлакалари ҳисобланган Польша [11,-28.04.], Қрим [2,-Б.6.], Туркистон худудларида миллий анъана ва урф одатлари, миллий тили, миллий мактабларини тиклаш ва янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатни тараққиётга эриштиришнинг янги йўллари излаш ва бу йўллар билан замон талаблари даражасидаги ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кураш бошланди. Туркистоннинг кўзга кўринган шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсида жадид усулида ўнлаб мактаблар фаолият олиб борди. Жадидлар Туркистонда мустақил давлат барпо этиш мақсадида, савтия усулидаги мактабларда билимли, савияли, маърифатли битирувчиларни етиштирдилар ва улар орқали халқ оммаси орасида миллий давлатчилик ғоя ва қарашларини шакллантиришга эришдилар [12,-Ru.]. Бу даврда жадид зиёлиларининг бутун бир авлоди шаклландики, улар миллий маданият, маънавий-ахлоқий тарбияни ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар. Жумладан, Фарғона водийсида Исҳоқхон Ибрат, Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий, Абдулҳамид Чўлпон, Муҳаммадшариф Сўфизода ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кабиларни мисол келтиришимиз мумкин. Булар орасида Фарғона



водийсида кўзга кўринган жадид тараққийпарварларидан бири Обиджон Маҳмудов Абдуҳолиқ ўғли ҳам бор эди (Обид чатоқ лақаби билан ҳам юритилган) (1871-1936).

Обиджон Маҳмудов ватанимиз, халқимиз тараққиёти учун жуда катта ислохотларни амалга оширган, унинг Кўқон жадидларининг сиёсий етакчиси, ҳамда йирик ношир сифатидаги фаолиятининг янги қирралари, йирик тадбиркор ва сиёсий арбоб сифатидаги тарихимизда учрамайдиган фаолияти ҳамда қарашлари ҳақида маҳаллий ва чет эл олимлари асарлари ва даврий нашрларида ёритиб борилади [5,-Б.272.]; [6,-Б.143-148.]; [26,-Б.321.]; [1,-Б.157-163.]; [8,-Б.165.]; [15,-А.6.]; [16,-Б.230.]; [17,-Б.113-118.].

У Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили, сармоядор, ношир ва жамоат арбоби. Ўзбекистон Миллий Давлат Архивида сақланиб қолган Обиджон Маҳмудовга тегишли расмий ҳужжатларда, Ўзбекистоннинг очиқ энциклопедиясида, ҳамда тарих фанлари номзоди, доцент Т. Қозақов томонидан ёзилган “XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати” номли тадқиқот ишида унинг Абдуҳолиқ ўғли эканлиги эътироф этилади [30,-В.15.]; [34,-Б.68.]. Айрим манбаларда Обиджон Маҳмудовни Абдулахтамович деб янглиш [9,-Б.16.] келтирилади.

Маҳмудов Обиджон Абдуҳолиқ ўғлининг туғилган йили борасида ҳам турли адабиётларда турлича, жумладан, 1858 йилда Кўқонда ёки 1871 йилда Марғилонда туғилган каби маълумотлар келтирилади. Бу фикрларга адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Наим Каримов томонидан нуқта қўйилиб, О.Маҳмудовнинг 1926 йил 7 апрел куни хибсга олиниши муносабати билан тўлдирилган анкета, Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси, ҳамда 1928 йилда уни саломатлигини текширган доктор Г.Х.Шахарович томонидан келтирилган маълумотномадаги материалларни асос қилиб келтиради [14, -Б.6-23.]. Унинг берган маълумотларига кўра О. Маҳмудовнинг туғилган йили 1871 йил эканлиги тўла исботини топганлигини кўришимиз мумкин. Н. Зоитова томонидан “Садойи Фарғона” газетасига тузилган библиографик кўрсаткичга С. Аҳмад томонидан ёзилган сўзбошида ҳам Обиджон Маҳмудов 1871 йил 12 майда, Марғилонда туғилган, кейинчалик Кўқон мадарасада ўқиган деб кўрсатилади [9,-Б.16]. Обиджон Маҳмудовнинг отаси Абдуҳолиқ Абдуқодирбек ўғли бўлиб, у Бухоро амирлигида тўпчибоши, яъни қуролсоз лавозимида фаолият олиб борган. У марғилонлик дўсти Мирзаюнуснинг таклифи билан унинг уйига боради ва у ерда отдан йиқилиб оёғи синади. Абдуҳолиқ тузалгунича Марғилонда қолиб кетади ва Мирзаюнуснинг яқин қариндоши Робияни севиб қолади ва уйланади. Обиджон Маҳмудов Абдуҳолиқ ўғли Марғилонда туғилади [24,-Б.17.]. Биби Робиянинг тўнғич ўғли Миродил Кўқон шаҳри Шайбон маҳалласидан уй сотиб олгач, Обиджон ҳам онаси ва укаси билан биргаликда Кўқонга кўчиб келади. Ҳайдарбек маҳалласида [18,-Б.76-103.] яшаб, бошланғич таълим, сўнгра мадраса таълимини олади. Бўш вақтларида у акасига асалчилик ишларида ҳамда поччаси Мирзакаримга заргарлик ишларида ёрдам беради [31, В-30.]. 1894-1895 йилларда акаси билан арзимас тортишув туфайли уйдан чиқиб кетади ва таҳминан, 1898 йилда Каспий денгизи соҳилидаги Челекан ярим оролида турли ишлар билан банд бўлади. Бу даврда у шерикликка ер сотиб олади ва у



ердан нефт чиққанлиги сабабли бойиб кетади. Кўқондан Челеканга бир сўмсиз келган йигит 1901 йилда катта сармоядор сифатида қайтади [24,-Б.19].

Обиджон Маҳмудов ўз даврининг ажойиб бошқарувчиси эди, у ўзида жамоат арбоби ва тадбиркорлик қобилиятини муваффақиятли бирлаштира олди. Ўша даврда жамиятни ташвишга солаётган диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўғри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий тараққиётни шакллантириш, шунингдек, ноширлик фаолиятини ривожлантириш орқали миллий тилдаги газета нашр эттириш ва миллатни уйғотиш каби муаммоларни ҳал қилиши керак эди [15,-Б.4].

Обиджон Маҳмудов тадбиркорликдан ташқари, хайриячи сифатида ҳам машҳур бўлди, маблағларининг катта қисмини мактаб, мадрасалар қуришга йўналтирди, камбағалларга, илм-фан ва замонавий таълимни ривожлантиришга ёрдам беради [3]. 1911 йилда Ҳайдарбек маҳалласида янги усул мактаби очади [7,-Б.541-547]. Бу ҳақидаги маълумотлар хорижлик олим А. Холид асарларида [17,-Б.113-118.] ҳам келтирилади.

Обиджон Маҳмудов Олий ўқув юртида ўқиш жараёнида ва кейинчалик савдо ишлари билан Россиянинг марказий худудлари, Волга бўйи ва Кавказ худудларида бўлиб, у ердаги ижтимоий сиёсий ҳаёт, кишиларнинг турмуш тарзи, маданияти, қарашларини ўрганади. Бу жараёнда у Туркистонни Россия мустамлакаси сифатидаги оғир аҳволини тушуниб етади, ўз сармояларини она ватани Туркистон тараққиётига, миллатни уйғотиш ва ривожлантириш мақсадларига сарфлаш учун иқтисодий маданий, маърифий соҳаларни вужудга келтириш, ўлкада вужудга келган оғир инқирозларни олдини олиш мақсадида миллатдошлари онгини уйғотиш, жамиятда юзага келаётган ҳолатларни асосини тушунтириб етказиб бериш, замонавий асосдаги билим ва ҳунарни ривожлантиришга ўз эътиборини қаратади ва бунинг учун курашади. Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракатининг энг фаол иштирокчиларидан бири эди ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаб турар эди.

У исломнинг тараққийпарвар ролини эътироф этгани ҳолда, таълим, иқтисод, маданият, умуман жамият ҳаётини барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруриятини тушунтиришга интилади. Унинг қарашлари ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмаган ва Ғарбнинг технология ва ишлаб чиқариш жиҳатидан Шарққа нисбатан анча илгарилаб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда Ғарб цивилизацияси томон интилади. Обиджон Маҳмудов ғояларида асосий эътибор бутун ижтимоий тизимни ўзгартириш маънавият соҳасини янгилашга қаратилган [15,-Б.5.] эди. Унинг ғоя ва қарашларини ўрганиш асосида кўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. У миллатни маънавий қарамликдан озод қилмай туриб, халқни маърифатли, жаҳон маданияти ютуқларидан хабардор қилмай туриб, Туркистонни ривожлантириб бўлмаслигини тушуниб етган. Тараққийпарвар миллатни муносиб турмуш кечириши учун мустамлакачилик зулми ва чор Россиясининг оғир мажбуриятларидан халқни қутқариш ва улар онгида халқпарвар ғояларни шакллантириш зарур деб ҳисоблаган. О Маҳмудовнинг матбуотдаги кўплаб чиқишларида подшо ҳокимиятининг қонунсизлик



ва порахўрлик жиҳатлари, банклар фаолиятининг салбий жиҳатлари, ҳаддан зиёд оғир солиқлар каби кўринишлари танқид остига олинади.

Жадидларнинг кўзга кўринган вакили Мустафо Чўқоев Обиджон Маҳмудовга баҳо берар экан, таниш билишлари орасида оратор, ўз ишининг устаси тезкор қарор қабул қилиши билан ўз касбдошлари орасида шуҳрат қозонганлигини [26,-Б.321.] эътироф этади. Ўз даврида Қўқон шаҳар думасининг раиси, социал революционер Гурвич эса Обиджон Маҳмудовни “мақсади йўлида қайтмайдиган, қайсар ва баҳс ва мунозарада тенги йўқ инсон” дея баҳо бериб, ҳар қандай янги ўзгаришлар Қўқоннинг эски шаҳар қисмидан бошланиши керак [15,-Б.7.], деб ҳисоблар эди.

Обиджон Маҳмудов Абдуҳолик ўғли 1913-1914 йилларда ўзининг босмаҳонасини, сўнгра нашриётини ташкил этади. Маблағ ажратишда ва нашр ишларини амалга оширишда у Фарғона жадидларининг энг фаолларидан бўлади. Бу жараёнда унинг Русияда ўқиганлиги ва Русиянинг ички сиёсати, Кавказ ва Волга бўйи ҳаёти билан таниш эканлиги, шунингдек, ака-ука Афанасий ва Вадим Чайкинлар, ўзбек миллий зиёлиларидан Исҳоқхон Иброт, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ашурали Зоҳирий кабилар билан ҳаммаслак бўлиши унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади [9,-Б.16.]. Мустамлакачи ҳукумат маъмурларининг маҳаллий миллатларга нисбатан ғайри илмий олиб бораётган сиёсати, миллатни қабоҳатга олиб борувчи иллатлардан қутқариш, ўз даврида халқининг тараққиёти учун кураш олиб бораётган Обиджон Маҳмудовнинг мақсад муддаосига айланади. Дунё халқлари ривожланиш ва тараққиётга юз бураётган, мустамлакачиларга қарши кураш тобора кескинлашаётган бир пайтда, туркистонликларнинг тараққиётдан тобора ортда қолиб, бидъат ботқоғига кириб бориши уни қаттиқ ташвишлантиради. Унинг атрофидаги барча илғор қарашдаги миллат зиёлилари ҳам шундай фикрлаётган эдилар. Улар миллатни қандай қилиб бундай бўҳронлардан олиб чиқиш, туркистонликларни қандай қилиб илм-фанга ошно қилиш, қандай тараққиётга эриштириш мумкинлиги борасида мулоҳаза юритадилар ва 1914 йилда Қўқонда “Ғайрат” уюшмасини ташкил этадилар. Уюшмага Фарғона водийсининг кўзга кўринган таниқли бой ва мутафаккир зиёлилари тўпланган эдилар. Уюшма асосан савдо, тижорат билан шуғуллансада, унинг йиғинларида халқни маърифатга етаклаш ва ислоҳотчилик ғояларини тарғиб қилиш долзарб масала сифатида доимий кун тартибида турар эди. Маҳфий полиция маълумотларига кўра, “Ғайрат” жамияти “Ёш сартларнинг тўнғич ташкилотларидан бўлган” [33,-Б.50.]. Жамиятнинг биринчи мақсади, янги усулда ташкил топган мактабларга дарслик, ўқув қўлланма, дафтар, ўқув қуроллари билан таъминлаш бўлса, иккинчи мақсади эса халқни маҳаллий тилдаги газета, китоб, журналлар билан таъминлаш бўлган. Халқ орасида Ғайрат жамиятининг фаолияти кучайиб, улар томонидан маҳаллий тилдаги газеталар, жумладан, “Вақт”, “Сўз”, “Очиқ сўз”, хатто рус тилидаги “Туркистанский голос” газеталари билан савдо йўлга қўйилади [32,-В.36.].

Қўқонлик Обиджон Маҳмудов 1913 йил бошида маҳаллий тилда газета чиқариш учун Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига ариза топширади. Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзилган 1914 йил 28 февралдаги 342-сонли аризасида от кучига тенг бўлган “Аугсбург” тез чоп этувчи машина сотиб олиш учун шахсий жавобгарлигида



босмахона очишга руҳсат сўрайди. Ўлчами 13 <sup>3</sup>/<sub>8</sub> ва 19 <sup>1</sup>/<sub>4</sub> дюм, 40 фунт мусулмон ва 10 фунт рус шрифти, бунинг учун улар менга 1913 йил 1март 29 июлдаги 5684 ва № 19767 гувоҳномасини беришди [29,-В.35.]. У тез орада “Жамиъул ахбор” (Хабарлар тўплами) номли газета чиқаришга ва “Мадора”номида қироатхона очишга руҳсатнома олади. Айни пайтда О. Маҳмудов ўз аризасида Г.Р. Тинеман орқали буюртма қилинган машина нозоз бўлиб чиққанлиги ва у буюртмани бажаришдан бош тортганлиги, ҳисоб китобларга кўра, мусулмон шрифти учун ўн пуд, русчада камида қирқ пуд кифоя қилиши, шунинг учун М. Янович билан машиналар учун ҳам, шрифт ва барча аксессуарлар учун ҳам буюртма беришга мажбур бўлган[27,-Б.30.]лигини ёзади. Бундан ташқари, О.Маҳмудовнинг ёзишича, у ўз уйидаги босмахона биносини очиш учун тайёрлашни пудратчига берган, аммо унинг томонидан ўз вақтида бино тайёрланмаганлиги сабабли босмахона вақтинча Муҳаммадумар Худойназаров хонадонига, Кўқон шаҳрининг тўртинчи қисми, Ҳайдарбек маҳалласига жойлаштирилади[4,-Б.30.]. Биринчи жаҳон уруши арафасида у Кўқон шаҳрининг Ҳайдарбек мавзейида ўз уйида ва назорати остида босмахона очди. Обиджон Маҳмудовнинг ноширлик фаолияти олиб борганлиги тўғрисидаги маълумотлар хорижлик олима И. Балдауф асари [10,-Б.79.] да ҳам келтирилади.

Обиджон Маҳмудов томонидан 1914 йил апрел ойидан бошлаб, ҳафтада уч маротаба нашр қилинадиган, Фарғона водийсида биринчи ўзбек тилидаги газета “Садойи Фарғона”нинг нашри йўлга қўйилади. Бу ҳақда хорижлик олим шаҳобиддин яссавий ўзининг “туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари” номли китобида Обиджон Маҳмудовни Туркистон муборизларидан мунаввар бир ёзувчидир, деб таърифлайди. Жадид мутафаккири 1914 йил Кўқонда “Садойи Фарғона” номли газета нашр қилиб, миллатнинг бирлигига чақирган инсон бўлганлигини, газетанинг Туркистон бўйича кўплаб ўқувчиларга эга эканлигини [28,-Б.144.] эътироф қилади. Ашурали Зоҳирий эса “Садойи Фарғона” газетаси таҳририят аъзоси бўлиб, мусахҳиҳ (тузатувчи) вазифасида фаолият юритади, шунингдек, у газетанинг энг муҳим таянч кучларидан саналар эди [13,-Б.57.].

Жадид маърифатпарвари газетани миллат дунёқарашини ўзгартириш, уларни илмий, маънавий, маърифий жиҳатдан тараққиётга олиб чиқиш, ижтимоий сиёсий жиҳатдан фаоллигини оширишнинг асоси, муҳим воситаси деб билди. Бу унинг “Садойи Фарғона” газетасида эълон қилинган мақолалари орқали яққол кўзга ташланади. Газетанинг илк нашрида ноширнинг “Мақсад ва маслак” номли мақоласи чоп этилади. Мақолада у узоқ вақтдан буён Кўқонда бирон бир мусулмонча газетани нашр қилишни орзу қилинганлиги, лекин фурсати бўлмаганлиги ва ниҳоят бу кун келгани, шу кундан биринчи газета “Садойи Фарғона” чиқа бошлаганлигини маълум қилар экан, газета чиқаришдан мақсадини, албатта савдо ёки тижорат эмас, балки, халқимизга қўлидан келганча хизмат қилмоқлик, халқимизнинг газета ва журналларга қизиқишини тобора ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, матбаа очишга ва газета нашр қилишга ўзида жасорат топганлигини эътироф этади. Матбаа бугундан бошлаб ҳаракатга келмоғини, маслак ҳам мақсадга мувофиқ ҳолда миллатга хизмат қилиш эканлигини айтиб, газетага мақола ёзмоқчи бўлган тараққийпарвар ватандошлари, қалам аҳллари



учун газета очиқ эканлигини, маслакка мувофиқ ҳолда мақола берилса нашр қилинишини айтади. У ўз халқига, миллатдошларига мурожаат қилиб, дардимиз бир, касалимиз ҳам бир, давоий дармонимиз ҳам бирдир. Дардларимизнинг даъвоси ва шифоси ёлғиз ўқимоқ ва ёзмоқдир [19,-03.04.] – дейди.

“Муддаойимизга мувофиқ” номли мақола Обиджон Маҳмудов ва бир неча муаллиф ҳамкорлигида нашр эттирилган бўлиб, “Садойи Фарғона” газетаси нашридан кутган муддаоларини изоҳлаб, туркистонликлар миллати исломияни ҳимоя ва муҳофазасини, халқнинг мустақил тараққий, таолий ва саодати учун ғайрат ва ҳаракатга қадам бостирадиган қалблардаги оҳи-садоларини, Фарғона учун илм бўладиган, халқни равнақ, нафсоният, зиндон, жаҳолат ва фалокатдан чиқариб иттифоқ ва иттиҳод йўлларига бошлайдиган газетага муҳтож эканликларини билдирадилар. Бундаги қавм ва миллатларнинг хулқ- атвори, маишати, ҳуқуқини башарият ва инсоният илм-маърифатларидан, маданият ва саводларидан, туркистонликларнинг ахлоқ замималарини ислоҳи василаси, мунча аср маданиятда илм-маърифат нуқтаи назарида бошқа миллатлар билан солиштирилганда қандай даражада бўлганликларини билиш, халқнинг илм ва урфонда раҳбар бўлишлиги, ўз миллий сўз ва шевада ибратнамо газитага, жаридага муҳтож эканликларини билдирадилар.

“Садойи Фарғона” газетасининг давом этишини истаган бир гуруҳ “Ғайрат” жамияти фаоллари илм ва маърифат Фарғонасини шу кунларда кўрсатишга мувофиқ бўлганликларини ва эндиликда ҳол ва жонларига ҳам қарамай ғайрат билан давом этишларини билдирадилар. Бундай миллат зиёлилари сифатида мулла Маҳмудхўжа Ризозода, мулла Маҳмуджон қори, мулла Абдулваҳҳоб, мулла Маҳмуджон, Муллахон маҳдум, ва мулла Ашурали номлари келтирилган эди [20,-03.04.].

Обиджон Маҳмудовнинг “Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 10-апрелдаги иккинчи сониди “Газета надур ва на учун лозим” номли мақоласи эълон қилинади. Мақолада муаллиф газетага баҳо берар экан, газета бутун дунёдаги миллатларнинг тирикчилик йўллари, оламдаги даражалари ва ҳам инсоният оламининг тараққиёти учун лозим бўлган саъй ва ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан маслаҳатлашиш учун керак бўлган бир воситадир, деб баҳо беради [21, -10.04.].

Жадидлар ўз ғоя ва қарашларида ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаасибликдан тозалаш, илм ва фан ютуқлари ва илғор технологияни эгаллаш муаммоларини ҳал этиши керак деб ҳисоблайдилар. Бироқ, бу фикрлар жадидлар батамом исломнинг бутун таълимотини ўзгартирмоқчи бўлганлар, деган хулосани бермаслиги керак. Жадидлар ислом таълимотига ёндошар эканлар, ўз фаолиятларида Қуръонни ва барча исломий таълимот асосларини ҳам давр нуқтаи назаридан тўғри изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар.

О. Маҳмудов газетани исломий жиҳатдан ҳам зарурият эканлигини мулоҳаза қилиб, ўз ғоя ва қарашларини амри маъруф орқали тушунтириб беришни мақсад қилади. Мақолада ислом нуқтаи назаридан газетанинг нима учун лозимлигини бир оз мулоҳаза ва муҳокама қилиш кераклиги, ислом динида “амри бил маъруф, наҳи ал мункар” фарз эканлиги, бу муқаддас вазифани ўз даврида қандай уйдалаш кераклиги, бу тўғрида ҳам энг биринчи йўл ва энг биринчи чора, албатта, газетадир ва газета воситаси



билан маъруза қилиш лозимдир, - дейди. Муаллиф ҳоҳ уламоларимиз, ҳоҳ эшонларимиз ва ҳоҳ олимларимиз миллати исломиянинг қайси бир ишидан ва қайси бир феълидан норози бўлсалар қўлларига қалам олиб, ўша ишнинг ёмонлигини далиллари билан ёзиб, газета воситаси билан бутун халқга билдирсалар, бир қанча одам ундан фойдаланиб, ёмон феълларини йўқотишга ҳаракат қиладилар. Бу билан у инсон Аллоҳ томонидан буюрилган ҳидоят масъулиятидан қутулса керак, деб эътироф этади.

У муаммони таҳлил қилиб, ва яна хазрати расули акрам соллоллоху алайҳи вассаллам хазратларининг сафарга чиқинглар сафарда кўп фойда бордир, баданларингиз ҳаракат билан, динларингиз ибрат билан сиҳат топар, деган Ҳадиси шарифлари билан аҳволи оламдан хабардор бўлишликнинг диний эътиқод назаридан на қадар фойдалиқ бўлганини билдирадилар, дейди. Бутун миллати исломия олами аҳволдан хабардор бўлиб, ибрат олиш шарафига эришиш учун бирламчи илож ва чора газета ўқишдир, деган хулоса билан ўз фикрини яқунлайди [21, -10.04.].

“Усули жаҳидни ихтиро қилиб туриб, яна бошқалардан шикоят қилғувчиларга таажжуб” номли мақоласида муаллиф, усули жаҳид мактаблари ҳар ҳолда фойда ва муваффақият кўрсатиб турсаларда, баъзи дуруст, инсонлар орасида ақлий камолоти билан ажралиб турган кишилар ҳам шикоят қилаётганликлари, уларнинг муддаолари эски усул мактабларини сақлаб қолиш, эски усул билан ўқиган инсонлар ким бўлдию, усули жаҳид билан нима бўлар эди, - деб даъво қилаётган кишилар фикрларини эътироф этиб, биз ҳам буларни айтгани бўйича қадим китобларни ўқиб қарасак, улар ҳақ ва рост сўзлаётгандек, дейди. Усули қадим билан усули жаҳид бирга экан, балки усули жаҳидни эски асрнинг одамлари ўзлари чиқарганга ўхшайди. Номини усули қадим, усули жаҳид бўлгани билан иккови бир сўз экан. Ундан кўра ҳеч ким давоини усули қадим қилмасин, агарда усули қадим даъвосини қиладиган зот бўлса, оят, ҳидоят, усули қадим китобларига мувофиқ иш тутсинлар. Мамлакатнинг барча уламо ва бойлари, қозилари ўзлари усули жаҳид билан юриб, бир, икки юз гўдакларни бирдек усули қадимга тарғиб қилсалар, бу бечора гўдаклар на усули қадимни билар, на усули жаҳидни [22,-25.07.]. Муаллиф усули жаҳидни янги ўқитиш тизими сифатида эмас, балки бутун жамиятга тадбиқан фикрлайди. Ижтимоий ҳаётга кириб келаётган янгиликларни бир-бир тарозуга солиб, уларни фойдалиқ ёки зарар томонларини кўрсатиб беришга уринади.

1915 йилларга келиб, Фарғона водийсида ижтимоий ҳаётни яхшилаш, мамлакатни ривожлантириш мақсадида турли соҳаларда жамиятлар кўпайиб, ҳар қайсилари ўз хайр эҳсонларини тўплай бошладилар [23,-18.03.]. Мана шундай жамиятлардан бири “Ғайрат” жамияти бўлиб, Қўқонлик жаҳид маърифатпарварларидан Обиджон Маҳмудов хонадонидан 1916 йил 9-октябр куни жамият фаоллари йиғилиши бўлиб, унда жамиятнинг хусусий босмахонаси ва алоҳида газетасини ташкил қилиш масалаларини ҳал қилинди. Бу иш учун маҳаллий бойлар маблағ ажратадиган бўлдилар [25,-12. 11.]. Бу йиғилишда кўзда тутилган нашр “Тирик сўз” газетаси эди. Обиджон Маҳмудов 1917 йил “Тирик сўз” ва рус тилида чиққан “Ферганское эхо” газетасининг муҳаррири ва ношири. Муҳаррир матбуотда долзарб мақолалар билан чиқиб, Туркистон халқини маърифатли бўлишга чақирган, уларни озодлик учун курашга даъват этган.



Чор амалдорларининг ўзлари ҳам «Садойи Фарғона» газетасини илғор йўналишдаги нашр сифатида тан олганлар. Унинг ноширига эса, ишбилармон, тадбиркор шахс сифатида баҳо берганлар. Айни пайтда, Туркистон ўлкаси руслар ҳукмронлигидан албатта халос бўлиши керак, деган фикрларни бир неча бор айтганлиги учун ҳам унга ишончсизлик билан қараганлар [29,-В.35.о.т.]. О. Маҳмудовнинг фаолияти ва унга мустамлакачиларнинг муносабати ҳақида хорижлик олим шаҳобиддин яссавий ўзининг “туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари” номли китобида 1917 йилда “Тирик сўз” номли газета чиқаришга уринган жадид маърифатпарварини рус империалистлари томонидан қаршиликка учраганлиги, “Садойи Фарғона” ва “Тирик сўз” номли миллий газеталари мусодара бўлганлигини, унинг ўзи эса доимо охранка кўзатувида бўлиб, қалам тебратишни тўхтатганлигини, бир неча маротаба охранка ҳибсхоналарида ҳам қолганлини [28,-Б.144.] эътироф этади. О. Маҳмудов миллат тараққиёти йўлида нимаики хайрли иш бўлса, албатта, унга бош қўшди. Подшо мустамлака аппаратига қарши яккама-якка кураш олиб бориш мумкин эмаслигини тушунган ҳолда, тараққийпарвар кучларни бирлаштириб, кенг миқёсда ижтимоий-сиёсий фаолият олиб борди [34.-Б. 71.]. “Садойи Фарғона” газетаси 123-сонидан кейин молиявий сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатади.

Жадидчилик ҳаракати 1917 йилга келганда маърифатчиликдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилиб борди. 1917 йилнинг ўзида тўрт марта Бутун Туркистон мусулмонларининг қурултойи бўлиб, шу йил 16-23 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтган биринчи қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон муҳториятини тузиш ғояси илгари сурилди. Қурултойнинг охириги йиғилишида марказий бошқарув органи – Туркистон ўлка мусулмонлари кенгаши (Краймуссовет) тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мустафо Чўқоев ўлка Муссовет раислигига, Аҳмад Заки Валидий котибликка, Мунавварқори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Обиджон Маҳмудов, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Ислон Шоаҳмедов ва бошқалар президиум аъзолари этиб сайландилар. Унинг муссовет аъзолигига киритилганини ўзи уни Фарғона водийси жадидлари орасида алоҳида ўрин тутганлигидан дарак беради. Обиджон Маҳмудов унинг ўзи айтганидек, “дарди бир, касали ҳам бир, давои дармони ҳам бир” бўлган ватандошлари, туркистонликларни тараққиётга олиб чиқиш учун саъй ҳаракат қилган жадид юртдошларимиздан бири эди. У 1936 йилнинг 21 ноябрида оғир хасталикдан вафот этди [24,-Б.23.].

Обиджон Маҳмудов ўз халқи, миллати учун ҳаракат қилган, уни миллатлар ичида тенг қилишга уринган миллатпарвар, тараққийпарвар инсон эди. У ўз фаолияти билан бошқа миллатдошларига ўрناк бўлган, Туркистонда маърифатпарварликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шахс сифатида миллатнинг яшаши, тараққий топиши учун курашган, зиёли инсонлардан эди.

## References:

1. Abdirashidov Z. (2011) Annotirovannaya bibliografiya turkestanskix materialov v Gazete “Tarjumān” (1883- 1917). – Tokio, “Universitet Tokio”, – S. 157-163. (In Russ.).



2. Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние. Ташкент. Академнашр. 2011. С.6
3. [Абиджан Махмудов - самоотверженный деятель прогресса Родины](#). // 2 ноября 2017 года в Филиале Российского государственного университета нефти и газа (НИУ) имени И.М. Губкина в городе Ташкенте была организована встреча с Сахиб Махмудовым.
4. Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии. Т.: Тошкент. 2006. Б.30
5. Алимova Д.А. Жадидчилик феномени. Т.: 2022. Б. 272.
6. Alimova D. Baqirova I. (2013) The history of public and cultural reformation in the Caucasus and Central Asia (19th - early 20th century). –Samarkand, –В. 143-148
7. Алиназарова Д. Обиджон Махмудов–основатель первой национальной газеты в Фергане// Жамият ва инновациялар–Общество и инновации–Society and innovations Special Issue -1, No 01 (2020) / ISSN 2181-1415. Б.541-547
8. Allworth. E. (1994) 130 years of Russian dominance. A historical overview. –London.: “Duke university press”, –В 58. В. 165
9. Аҳмад С. “Садойи Фарғона” газетаси ва унинг муҳаррири.//туз. Н.Зоитова. “Садойи Фарғона” газетасига тузилган библиографик кўрсаткич. Т.: 2017. Б.16.
10. Baldauf I. “Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World”. 2001. P.79
11. Бошқа халқларнинг рус тилини ўрганишлари шарт эканлиги тўғрисида // Туркистон вилоятининг газити,1908. 28-апрел.
12. [Vek-Noviy.Ru](#) Программные Цели и Задачи Джадидов. Представители Джадидского Движения и их Деятельность.
13. Зиё Саид. Танлаган асарлар.Т.: 1974. Б.57
14. Каримов Н. Миллий матбуотимизнинг икки машҳур сиймоси. // Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. “Садойи Туркистон” ва “Садойи Фарғона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва хуррият, миллий бирлик ва тараққиёт ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2015 йил 27 май. –Тошкент. –Б. 6-23.
15. Komilov N. "Obidjon Mahmudov activity is in the spotlight of local and foreign scholars," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 3, Article 6. <https://uzjournals.edu.uz/jiau/vol2020/iss3/6.P.4-5-7>.
16. Kocaog`lu T.: “Turkistanda yenilik hareketleri ve ihtilaller: 1990-1924”. 1992. В.67 230 б.
17. Khalid A. (1992) Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note// Central Asian survey, №11. –В. 113-118.
18. Махмудов О. Эълон. “Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 25 октябр. 76 сонидан бошлаб-1915 йил 26 апрел 123 сонига қадар барча саҳифаларда бериб борилган.
19. Махмудов О. “Мақсад ва маслак”.//Садойи Фарғона газетаси. 1914 йил. 3 апрел.
20. Махмудов О ва бошқ. “Муддаойимизга мувофиқ”.//Садойи Фарғона газетаси. 1914 йил. 3 апрел.
21. Махмудов О. “Ғазита надур ва учун лозим”.//Садойи Фарғона газетаси. 1914 йил. 10 апрел.



22. Маҳмудов О. Усули жадидни ихтиро қилиб туриб, яна бошқалардан шикоят қилғучиларга таажжуб.//“Садойи Фарғона” газетаси. 1914 йил. 25 –июл.
23. Маҳмудов О. Хўқандда иттифоқлик.//“Садойи Фарғона” газетаси. 1915 йил. 18 – март.
24. Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси // “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва хуррият, миллий бирлик ва тараққиёт гоёлари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2015 йил 27 май. Ташкент. –Б.17, Б.19, Б.23.
25. Туркестанский голос. 1916 йил. 12 ноябр.
26. Shoqay M. (2017) Shig'armalarinin toliq jinag'i. V tom. Almati. Dayk-Press. – В.321.
27. Шадманова С.Б. Свадебные церемонии в Туркестане на страницах переодической печати // PAX ISLAMICA 2(3) /2009. Б. 30.
28. Шаҳобиддин Яссавий Исмоил Шайх ўғли. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. Иккинчи нашр. Истамбул.: 1984. Б.144 (араб алифбосида).
29. Ўз.Р. МДА. Ф-И-1, 31-рўйхат, 1144-иш, В.35. 35 варақнинг орқа томони.
30. Ўз.Р. МДА. Ф-И-19, 1-рўйхат, 26684-иш, В.15
31. Ўз.Р. МДА. Ф-И-19, 1-рўйхат, 29440-иш, В. 30
32. Ўз.Р. МДА. Ф -И -1, 31-рўйхат, 1144 иш, В.36.
33. Қозақов Т.: Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.//Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг гоёвий асослари. Т.: 2016. Б.50.
34. Қозақов Т.Қ. “XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий–сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати” номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2001. Б.68, Б.71